Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

# Ishonch

2019 йил 12 ноябрь • сешанба • № 137 (4266)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Жиззах вилояти

«Олтин куз – 2019»

## САЙЁҲЛИК ИМКОНИЯТЛАРИ НАМОЙИШИ

*Жиззахда илк маротаба «Олтин куз – 2019» агрофестивали бўлиб ўтди*



Вилоятнинг туристик имкониятларини тарғиб қилиш мақсадида ўтказилган тадбирлар Шароф Рашидов, Бахмал ва Зомин туманларини қамраб олди.

Дастлаб иштирокчилар Жиззах шаҳрининг диққатга сазовор жойларида бўлиб, ҳудуднинг туристик салоҳияти намойишига бағишланган маданий-маърифий тадбирда қатнашди. Шаҳарнинг марказий кўчаси бўйлаб ташкил қилинган қадим савдогарлар ва сайёҳлар кўринишидаги «Буюк ипак йўли карвони Жиззах бўйлаб» юриши ҳам барчага манзур бўлди. Навбатдаги тадбирлар жорий йилда реконструкция қилинган «Ўрда» экологик боғида давом этди. Боғда барча туманлардаги меҳнаткор деҳқонлар ҳамда боғбон фермерлар етиштирган маҳсулотлар ярмаркасини иштирокчилар катта қизиқиш билан томоша қилишди.

Яқинда ишга туширилган амфитеатрда вилоят бадиий жамоалари, фольклор-этнографик ансамблларининг концерт дастурларидаги ўзига хос халқ оғзаки ижоди намуналари ижроси, удум ва анъаналар асосида саҳналаштирилган кўринишлар зўр қизиқиш билан кутиб олинди.

Фестивалнинг иккинчи кунида иштирокчилар мамлакатимизнинг тоғли ҳудудларидан бири бўлган Бахмал туманининг Ойқор қишлоғида бўлишди. Қишлоқдаги «Агро натурал инвест» фермер хўжалиги боғида ўтказилган «Олма сайли» ҳам кўнгилочар тадбирлардан бири бўлди. Фермер хўжалигининг 8 гектарлик боғида Бахмал олмаларининг 7 хил нави етиштирилаётир. Хўжалик ҳар йили ички бозордан ташқари Туркия, Қозоғистон, Россия каби мамлакатларга олма экспорт қилади. Фермер хўжалиги ўзининг 50 тонналик музлатгичли омборига эга.

– Қишлоғимизда тўрт фасл ҳам кўркам ва гўзал, – дейди «Агро натурал инвест» фермер хўжалиги иш бошқарувчиси Бобохон Исаев. – Агар туристик йўналишлар рўйхатига киритилса, у хорижлик сайёҳларга ҳам ёқиши шубҳасиз. Бу қишлоқдошларимни иш билан таъминлаш, аҳоли фаровонлигини оширишга ҳам ҳисса қўшади.

Бахмалликларнинг дастурхон безатиши ҳам ўзига хос. Ҳатто, бир қишлоқники иккинчисига ўхшамайди. Ойқордаги миллий таомлар сайёҳлар учун қизиқарли. Қишлоқнинг худди шундай ўзига хос урф-одатлари, удумлари, фольклор санъати иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Фестиваль қатнашчилари Ўсмат шаҳарчаси этакларида ўтказилган улоқ-кўпкарини ҳам томоша қилишди.





**Муқимбой ИСМОИЛОВ,**
«ISHONCH»

## КУН НАФАСИ

Самарқанд шаҳридаги Форумлар мажмуасида 10-11 ноябрь кунлари **«Валдай» халқаро мунозара клубининг X Осиё конференцияси** бўлиб ўтди.

**uza.uz**

* * *

Давлатимиз раҳбари **Шавкат Мирзиёев** «Валдай» халқаро мунозара клубининг X Осиё конференцияси иштирокчилари, ташкилотчилари ва меҳмонларига **қутлов йўллади.**

**uza.uz**

* * *

Россия Федерацияси Президенти **Владимир Путин** «Валдай» халқаро мунозара клубининг X Осиё конференцияси иштирокчилари, ташкилотчилари ва меҳмонларига **қутлов йўллади.**

**uza.uz**

* * *

Президентимиз **«Кўп квартирали уйларни бошқариш тўғрисида»**ги қонунни имзолади.

**uza.uz**

* * *

Жорий йилнинг 11-13 ноябрь кунлари ташқи ишлар вазири ўринбосари **Дилшод Аҳатов** амалий ташриф билан Францияда бўлади ва **Париж тинчлик форумида иштирок этади.**

**mfa.uz**

* * *

Транспорт вазирлигида Япония хорижий темир йўл тизимлари ассоциацияси (JORSA) ижрочи директори **Т.Мурасаки бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашув** бўлиб ўтди.

**Транспорт вазирлиги Ахборот хизмати**

* * *

Тошкентда 11 ноябрь куни **«Евроосиё минтақасида жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш самарадорлигини баҳолаш: тажриба ва энг яхши амалиёт»** мавзусида халқаро семинар ўз ишини бошлади.

**uza.uz**

* * *

Пойтахтимиздаги Бадиий кўргазмалар дирекциясида **«ИНСОН. МУҲИТ. САНЪАТ» номи остида II Тошкент Халқаро амалий санъат биенналеси**нинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

**uza.uz**

* * *

Пойтахтимизда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ташаббуси билан Бағрикенглик ҳафталигига старт берилди.

**uza.uz**

* * *

Таниқли актёр **Жерар Депарде** тез орада **Ўзбекистоннинг Франциядаги туристик элчиси** сифатида фаолият бошлайди.

**kun.uz**

* * *

«Ўзбеккино» миллий агентлиги **делегацияси Россия Федерациясига жўнаб кетди.**

**uza.uz**

Ижодий мулоқот

**«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари ижодий жамоасининг муштарийлар билан ижодий учрашувларининг навбатдагиси Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида бўлиб ўтди.**

## «Жамоа газетани одамларга ўқита оляпти»

Таҳририят ходимларини Андижонда Муҳаммад Юсуф, Фарғонада Эркин Воҳидов номидаги ижод мактаблари ўқувчилари улуғ шоирларимизнинг ўлмас ва умрбоқий шеърлари билан қарши олишди. Халқимизга хос ория ва ғурурни, озодлик ҳамда истиқлолни ўзининг гўзал шеър ва достонларида юксак маҳорат билан ифодалаган ижодкорлар ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйилди. Таҳририят жамоаси ва муштарийлар адибларнинг мемориал музейлари билан яқиндан танишишди.

4▸



Тошкент вилояти

Ҳаётбахш ислоҳотлар йўлида

## Янги тараққиёт босқичидаги вилоят



**Айни пайтда Тошкент вилоятида мисли кўрилмаган ўзгаришлар амалга ошириляпти.Қурилиш, қишлоқ хўжалиги, спорт, соғлиқни сақлаш, таълим, туризм, тадбиркорлик каби турли жабҳаларда янгиланишлар жараёни авжида. Пастқам уйлар, кўримсиз маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари ўрнида замонавий бинолар, сайилгоҳлар, мактаб, боғчалар, меҳмонхоналар қад ростлади ва бу жараён изчил давом этмоқда.**

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2017 йили Тошкент вилояти маркази сифатида Нурафшон шаҳри вужудга келди. Ўтган йили унинг бош режаси ишлаб чиқилган эди. Ҳозирда бу ерда бунёдкорлик ишлари жадал суръатда. Хусусан, Тошкент йўли кўчаси кенгайтирилиб, бир қаватли эски иморатлар ўрнида кўп қаватли уйлар, офислар, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари қурилмоқда. Йил охиригача 8 та банк филиали ва 9 та маъмурий бино фойдаланишга топширилиши мўлжалланган. Шу жумладан, Тошкент вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг 5 қаватли замонавий маъмурий биноси қурилиши ҳам бошлаб юборилган.

3▸

Семинар

**Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ташаббуси билан «Меҳнат муҳофазаси ойлиги» доирасида Шайхонтоҳур туманида фаолият юритаётган корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари, касаба уюшма қўмитаси раислари, меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ходимлари иштирокида тадбир ташкил этилди.**

## Самарадорлик гарови

Унда идоралараро ишчи гуруҳ аъзолари, ҳамкор ташкилотлар, туман ҳокимлиги ходимлари иштирок этди.

Тадбир иш берувчилар ҳамда кенг жамоатчиликнинг эътиборини меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларини ҳал этишга қаратиш, ишлаб чиқариш маданиятини юксалтириш, иш берувчи томонидан ходимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш, шунингдек, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш борасида ўзаро ҳамкорлик самарадорлигини янада ошириш мақсадида ўтказилди. Хусусан, касаба уюшмалари, ходимлар бошқа вакиллик органларининг меҳнатни муҳофаза қилишни таъминлаш борасидаги ҳуқуқлари ҳақида фикр алмашилди.

Меҳнат муҳофазаси бўйича тадбирлар режаси, ушбу мақсад учун маблағларнинг ажратилиши тартиблари бўйича маълумот берилди. Бундан ташқари, иш берувчининг жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш масалалари бўйича муаммолар, ишлаб чиқаришлардаги жароҳатланишлар ва касб касалликларига учраш ҳолатларининг олдини олишга оид чоралар ҳақида ҳам сўз юритилди.

**Аъзам АБУЛФАЙЗОВ,**
«ISHONCH»

«Ishonch» тести

## Стипендия қачон берилади?

*Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририятга йўллаган мурожаатлар, улар асосида ўтказилган сўровномалар (ижтимоий тармоқлар, турли олий таълим муассасалари талабалари билан телефон орқали ўтказилган мазкур сўровнома материаллари таҳририятда мавжуд) натижасида маълум бўлмоқдаки, баъзи олий таълим даргоҳлари талабалари ҳанузгача (сентябрь, октябрь ойлари учун) стипендия олмаган. Энг қизиғи, айрим олий ўқув юртларида кимдир степендия олган, бошқаси эса йўқ. Мазкур ҳолат табиий равишда ўзига хос «тест саволи»ни пайдо қилмоқда.*

**САВОЛ:** Баъзи олий таълим муассасалари талабалари (албатта, тўлов-контракт пулини стипендияли тарзда тўлаганлар) шу вақтга қадар нега стипендия олишмади?

**ЖАВОБЛАР:**

**А)** Стипендияларни ҳисоблашга Молия вазирлигининг вақти бўлмаган.

**Б)** Талабаларнинг чидамлилик даражаси ўрганилмоқда.

**В)** Стипендиялар миқдорини ошириш масаласи кўриб чиқилмоқда.

**Г)** Стипендия тўловларининг Молия вазирлигига алоқаси йўқ.

**Д)** Тўловларнинг кечикаётганига контракт пулларининг тўлиқ туширилмагани сабаб бўлмоқда.

**Е)** Жавобларнинг ҳеч бири тўғри эмас.

**Ушбу саволга аниқ жавобни Молия ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларидан кутиб қоламиз.**

**ТАҲРИРИЯТ**



*Хоразм вилояти*

Долзарб мавзу

# Ишли аёлнинг оиласида барака бор

**Ўтган йили ҳузуримга бир аёл келди. Олий ўқув юртини имтиёзли диплом билан тамомлаган. Уч йил умумтаълим мактабида математикадан дарс берган. Аммо турмушга чиққанидан буён уй бекаси экан. Аёл ишлашни жуда-жуда исташини, бироқ турмуш ўртоғи рухсат бермаётганини айтиб, маслаҳат сўради. Келинчакнинг оиласига бордим. Куёв бўлмиш ҳайдовчи экан. Пенсия ёшига етмаган қайнота ва қайнона ҳеч қаерда ишламайди. Оиладагилар билан узоқ суҳбатлашишга тўғри келди. Охир-оқибат, ёш муаллима ўз касбини давом эттирадиган бўлди. Яқинда муаллиманинг турмуш ўртоғи мени йўқлаб келди.**

– Аёлимнинг ишга жойлашиши оиламиз учун ҳар томонлама фойдали бўлди, – дейди у. – Илгари тез-тез жанжаллашиб турардик. Ҳозир ҳаммаси бошқача, хурсандмиз. Янада қувонарлиси, яқинда имтиёзли кредит асосида уй олиш имконига эга бўлдик.

Дарҳақиқат, бозор иқтисодиёти шароитида аёллар бандлигини таъминлашнинг аҳамияти катта. Бугун ушбу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилгани бежиз эмас. Муҳтарам Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббуснинг бири ҳам айнан аёллар бандлигини таъминлашга қаратилган.

Ҳозирги пайтда Хоразм вилоятида иш билан банд бўлган 19257 нафар ишчи-ходимнинг 10591 нафарини аёллар ташкил этади. Демак, вилоят ижтимоий-иқтисодий ривожида хотин-қизларнинг ҳиссаси салмоқли. Аёлларга янада кўпроқ имконият бериш, уларнинг ўзини намоён қилиши учун шарт-шароитларни кенгайтириш орқали жамият фақат наф кўради. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятда 4862 та янги иш ўрни яратилди. Агар бандликка кўмаклашиш марказларига 22438 нафар хотин-қиз ишсиз сифатида мурожаат қилганини инобатга олсак, бу рақам унчалик катта эмас.

Бандлик масаласини ҳал қилиш мақсадида 45 маротаба бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил қилинган. Уларда 3495 нафар аёл иштирок этиб, уларнинг 480 нафари бандлик мақомига эришишга муваффақ бўлган. 222 нафар аёл касб ўрганишга ўқитилган бўлса, 509 нафари эса жамоат ишларига жалб қилинган.

Давлатимиз раҳбарининг беш ташаббуси доирасида қисқа фурсатда Янгибозор, Шовот ва Хива туманларида 3 та корхона иш бошлаб, 330 нафар аёлнинг бандлиги таъминланган эди. Яқинда уларнинг сафи яна кўпайди. Қўшкўпир туманида ташкил қилинган корхонада 55 нафар аёл иш бошлаган бўлса, яна 30 нафар қиз касб ўрганишга жалб қилинди. Йил охиригача яна 250 нафар аёлнинг бандлиги таъминланади. Аёлларнинг кўпчилиги айнан тикувчилик йўналишида иш билан таъминлангани бежиз эмас. Биринчидан, бу ўрганиш осон бўлган ҳунар. Иккинчидан, бугун мамлакатимизда тўқимачилик саноати жадал суръатда ривожланмоқда.

Эътироф этиш жоизки, кейинги йилларда бир марталик бюро фаолияти йўлга қўйилгани ҳам аёллар бандлигини таъминлаш, улар меҳнатига қонуний тус беришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда Хоразм вилоятида 273 нафар аёл айнан мазкур бюро орқали иш бошлади.

Аёллар бандлиги ҳақида гап кетар экан, жазони ўташ муассасаларидан қайтган опа-сингилларимизнинг жамиятда ўз ўрнини топишига ҳам жиддий эътибор қаратилаётганини таъкидлаш жоиз. Ўтган даврда жазони ўтаб қайтган 16 нафар аёлнинг 7 нафари иш билан таъминланган. Касаба уюшмалари тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда барча аёлларнинг бандлигини таъминлаш чораларини кўрмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ишлашга эҳтиёжи бор аёлларнинг ярми ҳам ўз истагига эришмаган. Демак, ҳали бу борада амалга оширилиши лозим бўлган ишлар кўп. Касб-ҳунар коллежларини тамомлаганлар, уч ёшгача ёки ногиронлиги бўлган фарзанд тарбиялаётганлар, чекка қишлоқларда яшовчилар, шунингдек, 50 ёшдан ошган аёллар иш топишда қийинчиликка дуч келмоқда. Мактабгача таълим муассасаларининг камлиги, мактабларда дарсдан сўнг тўгарак машғулотлари йўлга қўйилмагани, иш таклиф қилинаётган корхоналарда иш ҳақининг пастлиги туфайли қатнаб ишлаш ўзини оқламаслиги, ҳудудларда аёллар учун иш ўринлари озлиги каби қатор омиллар аёллар бандлигини таъминлашга тўғаноқ бўлмоқда.

Тараққиёт сабабли янги касблар юзага келмоқда. Бунинг учун қизларга келажакда жамиятда ўз ўрнини топиши, чиройли турмуш кечириши учун пухта билим олиши зарурлигини уқтириш ва керакли шарт-шароитларни янада кенгайтириш лозим. Бу эса ота-онадан ҳам эътибор, масъулият талаб қилади. Қизи оғир ижтимоий шароитга тушиб қолмаслигини истамаган ҳар бир ота-она унинг билимли бўлиб вояга етишига кўмаклашиши керак бўлади.

Аёлнинг муносиб шароитда ишлаши, иш ҳақини вақтида олиши, ижтимоий ҳимоясининг таъминланиши ҳам долзарб масалалардан ҳисобланади. Касаба уюшмаси фаоллари барча тизимлардаги корхона ва ташкилотларда иш берувчилар томонидан энг кам иш ҳақи стандартларига риоя этилиши устидан жамоатчилик мониторингини амалга оширмоқда. Аниқланган камчиликлар тегишли тартибда бартараф этилмоқда.

Хоразм вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси хотин-қизлар комиссияси мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхона, ташкилот ва муассасаларда имзоланаётган жамоа шартномаларига хотин-қизлар учун хавфсиз меҳнат, дам олиш шароитлари яратиб берилиши, меҳнатга муносиб ҳақ тўланиши, қўшимча имтиёзлар берилиши каби масалаларнинг киритилиши ва уларнинг ижроси бўйича жамоатчилик назоратини кенг миқёсда амалга оширмоқда.

Шу йилнинг 9 ойи давомида вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлими 141 та ариза ва шикоятни кўриб чиққан. Шундан 104 та ариза аёллар томонидан йўлланган. Барча мурожаатлар қонун талаблари асосида ўрганилиб, ҳал этилган.

Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва ижтимоий ҳимоясини кучайтиришда ҳал қилиниши лозим бўлган айрим масалалар ҳам борки, уларга тўхталмасликнинг иложи йўқ. Хусусан, ҳали ҳам хусусий секторда меҳнат шартномаси тузмасдан ишга олиш, иш ҳақини «конверт усулида» тўлаш ҳолатлари учраб турибди. Расмий секторда ишлаётган аёлларнинг барчаси ҳам меҳнат қонунчилигида кўзда тутилган имтиёзлардан тўлиқ фойдаланаётгани йўқ. Айрим иш берувчилар, «мен тадбиркорман, ишимга ҳеч кимнинг аралашишга ҳақи йўқ», дея меҳнат қонунчилиги талабларини қўпол равишда бузиб келмоқда. Уларда ишлаётган аёллар ишсиз қолишдан қўрқиб, иш берувчининг талабларига сўзсиз бўйсунишади. Хусусий секторда 8 соатдан кўп ишлаётганлар бор. Айрим корхоналарда аёллар учун маиший шароит яратилмаган, меҳнат муҳофазасига етарлича эътибор берилмаган. Нодавлат сектордаги аксарият иш берувчилар корхонада касаба уюшмаси ёки бошқа жамоат бирлашмалари ташкил қилинишига қатъиян қаршилик кўрсатмоқда. Оқибатда эса касаба уюшмалари хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ифодалаш имконига эга бўлолмаяпти. Аслида, ходимни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаган тадбиркорнинг бизнеси янада ривожланади. Афсуски, буни айримлар англаб етмаяпти.

**Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, музокаралар туфайли кўпгина муаммолар ечим топмоқда. Бироқ ҳали қилишимиз керак бўлган ишлар кўп. Зеро, мақсадимиз аёлларнинг бандлигини таъминлаш, муносиб шароитларда ишлаб, меҳнатига яраша рағбат олишини кафолатлашдир.**

**Муяссар РАҲИМОВА,**
Хоразм вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси

«Ishonch»га жавоб бердилар



**Мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларга алоҳида ғамхўрлик қилиш, уларга кўмаклашиш қонунлар билан кафолатланган. Хусусан, «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунда хизмат кўрсатувчи ташкилот ва муассасалар пандуслар (ногиронлар учун махсус йўлаклар) билан жиҳозланиши шарт қилиб қўйилган.**

## Панд бераётган пандуслар

**Газетанинг жорий йил 26 сентябрь куни сонида чоп этилган «Панд бераётган пандуслар» сарлавҳали мақолага Самарқанд вилояти прокуратураси қуйидагича муносабат билдирди:**

# Пандуслар энди панд бермайди

Самарқанд вилояти Бандлик бош бошқармасининг Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича давлат техник инспекторлари ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш, жумладан, уларнинг ижтимоий инфратузилма объектларидан тўсқинликсиз фойдаланишга оид қонунлар ижроси юзасидан ўтказган 126 та мониторинг натижасида пандус билан жиҳозланиши шарт бўлган 4136 та корхонанинг 4056 тасида ногиронлар учун пандуслар ташкил этилган.

Бундан ташқари, 28 та корхона ва ташкилотга пандуслар ташкил этиш бўйича ёзма кўрсатмалар берилган. 6 та корхона ва ташкилотда эса фуқароларни қабул қилиш учун пандуслар талаб қилинмайдиган жойдан хоналар ажратилган.

Ўтказилган ўрганиш давомида Самарқанд шаҳридаги «Зафар» чойхонасининг ёзги овқатланиш жойининг кириш қисмига пандус талаб этилмаслиги, лекин унинг қишки овқатланадиган 2-қаватли биноси пандус билан жиҳозланмагани аниқланди ва корхона раҳбари номига қонунбузарликни бартараф этиш бўйича ёзма кўрсатма берилди.

**У.ҲАМДАМОВ,**
Вилоят прокурорининг ўринбосари

*Самарқанд вилояти*

Касаба уюшмаси аралашгач...

**Шижоат билан ишга киришган иштихонлик Бобошер Ўтамуродов ҳеч қандай сабабсиз ишдан бўшатилганини билгач, бу ҳақда Самарқанд вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасига мурожаат қилди.**



# «ИШТИХОНЧА ИШДАН БЎШАТИШ»

## *иш берувчига қимматга тушди*

Маълум бўлишича, Қуролли кучлар сафидан пенсияга чиққан зобит кейинги фаолиятини ёшлар тарбиясига бағишлашга қарор қилган. У Иштихон тумани мудофаа ишлари бўлими тавсияси билан 20-ўрта таълим мактабининг чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитувчиси сифатида иш бошлаган.

Бир йил мобайнида ўз соҳаси бўйича бир қатор янгиликларни жорий қилган Б.Ўтамуродовнинг мактабда ўз маблағи ҳисобидан ҳарбий бурчак ташкил этгани таҳсинга лойиқ. Бундай намунали фаолият нафақат туман, балки вилоятда ҳам эътироф этилди. Аммо...

– Жорий ўқув мавсуми бошланган пайтда ўрнимга бошқа киши тайинланганини билиб, очиғи, ҳайрон қолдим, – дейди Бобошер Ўтамуродов ўз мурожаатида. – 4 сентябрдан бошлаб ўрнимга Бахтиёр Тожиев деган киши иш бошлаган экан...

Бунга Иштихон тумани халқ таълими бўлимининг 2019 йил 4 сентябрдаги буйруғи, 2019 йил 9 сентябрдаги 4-сонли тавсияномаси асос қилиб кўрсатилган. Бироқ, буни қарангки, шу фандан дарс ўтиб келаётган Бобошер Ўтамуродовни вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги буйруқ эса... йўқ! Мурожаатни ўрганиш чоғида бундай буйруқ мутлақо тайёрланмагани аён бўлди. Бошқача айтганда, собиқ зобит, яъни соҳага дахлдор мутахассис бесабаб ишдан ҳайдалган.

Ажабо: мазкур вазифа тайинловига буйруқ тайёрлаган Иштихон тумани халқ таълими, кадрлар бўлими бошлиғи, мазкур буйруқ ва тавсияномага имзо чеккан ХТБ мудири шунчалар лоқайдми? Бир инсон тақдири улар учун ўйинчоқми?

Касаба уюшмалари аралашуви билан адолат тикланди. Б.Ўтамуродов ўз иш ўрнига қайтарилди. Унга мажбуран бекор юрган кунлари учун тўлов тўлаб берилади. Аммо мутасаддиларнинг лоқайдлигини, меҳнат қонунчилигига зид хатти-ҳаракатини асло оқлаб бўлмайди.

Мамлакатимизда меҳнат қилиш ҳуқуқи кафолатланган. Жамиятимизда адолатнинг барқарор бўлиши масъул лавозимдагиларнинг қонунларимизни чуқур билиши ва унга амал қилишига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бинобарин, ҳеч кимга кўнглига келган ишни қилиш ваколати берилган эмас. Шу боис, ушбу ҳолат кўпчиликка сабоқ бўлиши лозим.

**Улуғбек ҒАНИЕВ,**
Самарқанд вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлими мудири

*Тошкент вилояти*

Адабий учрашув

# Улуғлар хотираси

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси қошидаги Санатор-курортлар бошқармаси, «Ботаника санаторийси» МЧЖ, Қибрай туманидаги 3-умумтаълим мактаби жамоаси ҳамда «Ўзбеккино» Миллий агентлиги ҳамкорлигида «Ҳамид Олимжон – мафтункор шеърият куйчиси» деб номланган адабий-мусиқий кеча ўтказилди.

Тадбирда ўқувчилар Ҳамид Олимжон қаламига мансуб шеърлардан намуналар ўқиб, унинг ҳаёти ва ижодига бағишланган саҳна кўринишларини намойиш этишди.

Адабий-мусиқий кечада «Ўзбеккино» Миллий агентлиги буюртмасига биноан суратга олинаётган Ҳамид Олимжон ва Зулфия ҳаёти ҳамда ижодига бағишланган «Муҳаббат баҳори» фильмининг ижодкорлари ҳам иштирок этди. Режиссёр Иброҳим Расулов, Ҳамид Олимжон ролини ижро этаётган актёр Ҳамза Ҳасанов, Зулфия роли билан кино оламига кириб келаётган ёш актриса Шаҳноза Ҳожимуродова тадбир иштирокчиларига фильм сценарийси, уни суратга олиш жараёни ҳақида сўзлаб беришди. Суҳбат давомида фильмдан айрим лавҳалар намойиш қилинди.

Тадбир сўнгида шоирларнинг фарзанди Омон Олимжоновнинг рафиқаси Риоя Олимжонова сўзга чиқиб, Ҳамид Олимжон ва Зулфияхоним ҳақида қизиқарли хотираларни сўзлаб берди.

**Алижон АБДУРАҲМОНОВ,**
«ISHONCH»

Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!



# Унутилмас таассуротлар

Президентимизнинг 2018 йил 7 февралдаги «Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Зангиота тумани кенгаши ташаббуси билан умумтаълим мактаблари директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари учун Тошкент шаҳри бўйлаб саёҳат уюштирилди.

Сайёҳлар пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларида бўлиб, бунёдкорлик ишлари билан танишдилар.

**Муқаддас РАЗЗОҚОВА,**
«ISHONCH»

*Қашқадарё вилояти*

Тадбирлар

# Эътиборда: таълим тизими

**Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Косон тумани кенгашида «Таълим муассасаларида меҳнат қонунчилиги ва ижтимоий ҳимоя тамойилларига амал қилиш: муаммолар ва ечимлар» мавзусида ўқув-семинар ўтказилди.**

Унда тумандаги умумтаълим мактаблари директорлари ва халқ таълими бўлими ходимлари иштирок этди. Семинарда таълим тизимида айни пайтда дуч келинаётган муаммоларга алоҳида эътибор қаратилди. Масалан, меҳнат шартномасини тузиш ва бекор қилиш ёки меҳнат дафтарчаларининг юритилиши билан боғлиқ маълумотлар ҳаётий мисоллар орқали таҳлил этилди. Меҳнат муносабатларидаги масалалар амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида таҳлил этилгани семинар иштирокчилари учун, айниқса, фойдали бўлди.

Ўқув-семинар якунида иштирокчиларга йигирмадан ортиқ ҳужжатларнинг электрон варианти ва намунавий ҳужжатлар жилди тарқатилди.

**О.ДЎСТМУРОДОВА,**
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Косон тумани кенгаши раиси

# Касбдошлар орасида ким моҳир?

**Қарши ихтисослашган санъат мактаби касаба уюшма қўмитаси муассасадаги ўқитувчилар ўртасида «Йилнинг энг моҳир ижрочиси» танловини ташкил этди.**



Танловда эллик нафардан зиёд ўқитувчи чолғу, вокал санъати, актёрлик ва рассомлик йўналишида беллашди. Хонандалик йўналишида Шехреза Омонова, Лазиз Ҳалимов; созандалар ўртасида Аббос Аҳмедов; рассомчилик танловида Озод Амирқулов биринчи ўринга муносиб кўрилди. Бундан ташқари, иккинчи ва учинчи ўрин эгалари ҳамда фаоллик кўрсатган йигирма нафарга яқин ижрочига мактаб касаба уюшма қўмитасининг қимматбаҳо совғалари ҳамда дипломлари топширилди.

– Йигирма бир йилдирки, ушбу даргоҳда касаба уюшма ташкилоти етакчисиман, – дейди Қаҳрамон Ғаффоров. – Санъат – халқимиз ҳаёт тарзининг ажралмас бўлаги. Шундай экан, унинг сирларини келажак авлодга етказаётган устозларни ҳар қанча қадрласак кам. Йил давомида Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Қарши шаҳар кенгаши билан ҳамкорликда «Санамлар сарвари», «Саломатлик спартакиадаси», «Йилнинг энг фаол ўқитувчиси» тадбирларини ўтказдик. Мунтазам равишда фахрийлар ҳолидан хабар олиб турилди. Пенсияга чиқаётган устозларга муносиб эҳтиром кўрсатилди. Инсонлар кўнглига хушнудлик улашиш – бош мақсадимиздир.

**Акмал АБДИЕВ,**
«ISHONCH»



# «Жамоа газетани одамларга ўқита оляпти»





◂1

*Таъкидлаш жоизки, газеталарда чоп этилаётган ранг-баранг мавзудаги мақолалар муштарийларни бефарқ қолдираётгани йўқ. Айниқса, таҳлилий ва танқидий мақолаларга кенг ўрин берилмоқда. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, жорий йилнинг ўтган 10 ойи давомида газета саҳифаларида 150 тадан ортиқ танқидий мақола берилиб, уларнинг 80 таси ижобий ҳал этилди. Мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсати, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотлар, тарих, адабиёт, маънавият сингари мавзуларнинг кенг ёритилаётгани ҳам муштарийлар қизиқишини оширмоқда.*

*Газетхонларнинг фикрини ўрганиш, қайси мавзулар ўқувчиларни кўпроқ қизиқтиришини билиш мақсадида ташкил этилган учрашувларда газеталарнинг мавзу-мундарижасини янада бойитишга арзигулик таклифлар берилялти.*

*Қуйида шундай фикрларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.*

**Усмонжон АҲМЕДОВ,**
*меҳнат фахрийси (Андижон вилояти):*



– Газетанинг вазифаси хабардор этиш, тарғибот қилиш, кўнглидаги дард-у ташвишларини айтиши учун одамларга минбар бериш, баҳс, фикр ва мулоҳазаларга ҳамда муайян соҳадаги муаммоларга қаратилган танқидий-таҳлилий чиқишларни қўллаб-қувватлашдан иборат. Бугун «Ishonch»да мана шу жиҳатларнинг барчасини кўриб хурсанд бўляпмиз.

Президентимиз «Халқ давлатга эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак!»деган тамойилни илгари суряпти. Газетада турли соҳалардаги оғриқли муаммолар кўтарилган мақолалар, кўпчиликни қизиқтираётган ва муштарийлар томонидан йўлланган саволларни тегишли ташкилотларга йўналтириш (масалан, «Бош прокуратура диққатига!», «Халқ таълими вазирлиги эътиборига!» ва ҳоказо) анъанаси йўлга қўйилганини юқоридаги тамойилни янада ҳаракатга келтиришга ҳисса қўшиш деб баҳолаймиз. Мавзулар ранг-баранг, дадиллик бор.

«Матбуот бонг уради» рукни остида маҳаллий ва марказий нашрларда эълон қилинган сара мақолалар ҳақида қисқача анонс бериб борилаётгани ҳам таҳририятнинг бағрикенглигидан далолат.

**Ғолибжон АБДУЛЛАЕВ,**
*журналист, сиёсатшунос (Андижон вилояти):*



– «Бугунги давр кишилари газета ўқимай қўйяпти», деган гапни кўп эшитамиз. Бу фикрга қўшилмайман. Газетани ўқита олиш таҳририят, жамоадаги журналистларнинг ўзига боғлиқ. Дадил айтишим мумкинки, «Ishonch» бу вазифаларни уддалаяпти.

Битта мисол: Президентимиз томонидан илгари сурилаётган ташаббуслар ҳақида ўтган йили «Мард элга қайишади» деган таҳлилий мақола орқали Шавкат Мирзиёев феномени жуда чиройли очиб берилган. Сиёсатшунос Қудратилла Рафиқовнинг яқинда эълон қилинган «Илк ва сўнгги сўзимиз: Ватан!» сарлавҳали мақоласини юқоридаги чиқишнинг мантиқий давоми дейиш мумкин. Очиқ айтсак, мамлакатимизда амалга оширилган катта ўзгаришлар ҳақида ҳали бошқа бирор нашрда мана шундай янги фикр, кучли таҳлил, халқчил материални кўрмадим. «Ishonch» шу маънода ўз феноменини яратяпти. Мана шу йўлдан оғишмай давом этиш керак.

Таълим муаммоларига бағишланган қатор мақолалар, ҳатто халқ таълими вазирига очиқ хат эълон қилинди. Таълим масаласи газетанинг доимий кун тартибида туришини таклиф қиламан. Тизимда бартараф этилиши зарур бўлган муаммолар талайгина. Уларнинг илдизларини аниқлайдиган таҳлилий мақолаларни бериш айни муддао. Бир сўз билан айтганда, газетадан катта-ю кичик, олим-у деҳқон, қурувчи-ю сиёсатшунос – барча қатлам ўзи учун керакли мавзуни топа олади.

**Икромжон АСЛИЙ,**
*шоир (Андижон вилояти):*



– Мен ҳар икки газетани бағрикенг нашр деб биламан. Чунки таҳририят ижодий жараёнда ўз мухбирларигагина суяниб қолмай, чет муаллифлар билан ҳам фаол ишлайди. Шахсан ўзимнинг ҳам йил давомида бир қанча битикларим чоп этилди.

«Ishonch»да мумтоз шоирларимиздан тортиб, замонавий ижодкорлар асарлари, муаллифларнинг суратлари билан бирга саҳифа-саҳифа туркумлар берилаётгани, эссе, новелла, адабий танқид, ҳатто достонлар эълон қилинаётганини олқишлаш зарур. Шу жиҳатдан «Ishonch» адабиёт газетасига ҳам кўмаклашаётгандай. Демак, у вақтли матбуот эмас, балки кутубхоналарда сақлаб, йиллар давомида ўқишга арзийдиган нашрдир.

**Абдурашид ЭРГАШЕВ,**
*Асака туманидаги 26-умумтаълим мактабининг бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси:*



– Касаба уюшмалари фаолияти, маънавият, миллий анъаналаримиз, урф-одатларимиз тарғиботига бағишланган, шунинг баробарида менталитетимизга зид жиҳатлар хусусидаги таҳлилий мақолаларни қолдирмай ўқиб бораман. Уларни ҳамкасбларимизга ҳам тарғиб қиламан. «Блогерлар бурчаги» рукни очилгани ҳам жуда маъқул бўлди. Чунки орамизда интернетдан фойдалана олмайдиган, аммо доим газета ўқиб борадиганлар ҳам кўп. Шу маънода ижтимоий тармоқлардаги постлардан энг саралари тақдим этиб борилиши ҳам жуда яхши лойиҳадир.

**Эркинжон НУРАЛИЕВ,**
*Фарғона вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси:*



– Кейинги йилларда газетада сара мақолаларнинг сони кескин ошди. Тараққиётга тўғаноқ бўлаётган омиллар, ён-атрофимиздаги ижтимоий муаммолар дадил кўтариб чиқилмоқда. Танқидий, таҳлилий, мушоҳадага чорловчи мақолалар эса муштарийларнинг газетага бўлган ишончини янада орттирмоқда. Муболағасиз айтиш мумкинки, севимли нашримиз бўлган «Ishonch» чинакам халқ минбарига айланиб бормоқда.

**Шоҳидахон КАРИМОВА,**
*Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Фарғона вилояти бўйича масъул ташкилотчиси:*



– «Ishonch» газетасида мамлакатда кечаётган ислоҳотлар жараёни, одамларнинг онг-у тафаккуридаги ўзгаришларни акс эттирувчи ҳаётий мақолалар кўплаб берилялти. Ҳамкасбларим билан давра суҳбати ташкил этсак, доимо ушбу нашрда чоп этилган мақолалар муҳокама қилинади. Айниқса, саломатлигимизни асрашга оид мавзулар кўтарилаётгани кўпчиликда қизиқиш уйғотяпти. Шуни инобатга олиб, газетада «Саломатлик саҳифаси» ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.



**Муҳаммаджон ОБИДОВ,**
*Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Фарғона вилояти бўлими раиси:*

– «Ishonch» газетаси кейинги йилларда ҳар жиҳатдан ўзгарди. Аввало, мавзуларнинг ранг-баранглиги, таҳлилий мақолалар, асосли хулосалар, таклифлар газетхонни бефарқ қолдираётгани йўқ. Иккинчидан, дизайни жудаям ўзгарди. Буни бошқа газеталар яхши маънода ўзлаштирмоқда. Жиддий-жиддий масалаларнинг кўтариб чиқилиши бугун уни чин маънода халқ газетасига айлантирди.

Ишонч билан айтишим мумкинки, газета бугун танқидий мақолалар бериш бўйича етакчилик қилмоқда. Масалан, «Тор жойдаги томошалар», «Тез айтиш»да ким ғолиб?», «Салла ўрнига калла», «Мураббий нега ошпазга айланди?» каби мақолаларда жиддий масалалар кўтарилган.

Айниқса, Қудратилла Рафиқовнинг «Илк ва сўнгги сўзимиз: Ватан!» мақоласи кўпчиликнинг кўнглидан жой олди. Барча соҳа вакилларида катта қизиқиш уйғотди. Уни ҳар биримиз фарзандларимизга ҳам ўқиб беришимиз лозим. Бундан кейин ҳам мана шундай кенг қамровли, таъсирчан мақолалар кўпроқ берилса, газетанинг нуфузи бундан-да юксалишига шубҳа йўқ.

Яна бир таклифим шуки, хорижий мамлакатлар касаба уюшмаларининг иш тажрибаси ҳақида мақолалар кўпроқ берилиши фойдадан холи бўлмайди. Шунда бошланғич касаба уюшма раислари, шу соҳадаги мутахассислар ўз бурчи, вазифаси, ҳуқуқи ва амалиётни кўпроқ билиб олган бўлар эди.

**Гулнора ЮСУПОВА,**
*«Posco International Textile» LLC касаба уюшма қўмитаси раиси:*



– «Posco International Textile»LLC чет эл хусусий корхонасида 4 минг нафардан ортиқ ишчи-ходим меҳнат қилади. «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарида чоп этилаётган мақолаларни севиб мутолаа қиламиз. Шу ўринда бир хабарни айтсам, яқинда «Ishonch»да чоп этилган мақола Жанубий Кореянинг корпорациясининг сайтида ҳам кўчириб босилди ҳамда дунё бўйлаб 101 та корхона ходимлари ўқишди. Таклифим: иш тажрибамизни янада ошириш учун газетада Ўзбекистондаги чет эл корхоналари касаба уюшма ташкилотлари фаолияти кенгроқ ёритилиши айни муддаодир Бу, албатта, барча касабақўмлар учун фойдали бўлар эди.

**Шуҳрат МУСАЕВ,**
*Наманган вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси:*



Бу каби учрашувларни газетанинг халқ олдидаги ҳисоботи десак, хато қилмаган бўламиз. «Ishonch»да биз бугун ва эртага қилмоқчи бўлган ишларимиз инъикоси акс этади. Газета ҳар соҳада бизга кўмакчи. «Ishonch»ни халқимизга янада яқинлаштириш мақсадида бирлашмада «Ishonch» хонаси»ни ташкил қилишни режалаштирдик. Келгусида газетани истаган киши келиб, шу ерда мутолаа қилиш имкони туғилади.

**Зиёвуддин МАНСУР,**
*шоир:*



Бугунги газеталар олдида турган асосий вазифа, энг аввало, ахборот долзарблиги, тезкорлигини таъминлаш. Шу ўринда журналистлар ахборотнинг ҳаққонийлигига ҳам жавобгардир. Бу эса «Ishonch» ходимлари ёзаётганларида яққол акс этмоқда. Ҳали танилиб улгурмаган ёш ижодкорлар учун «Ёшлар минбари» ташкил этилса, бу ёшларнинг ҳам аста-секин шу орқали ўз мухлисларини топишига ҳисса қўшган бўлар эди.

**Равшан МИРЗАОЛИМОВ,**
*«Қишлоқ ҳаёти» газетасининг Наманган вилояти бўйича мухбири:*



– Газетадаги сарлавҳа ва рукнларни алоҳида эътироф этиш ўринли. Кўпгина газеталар бу борада ўрнак олсак арзийди. Шу ўринда чекка қишлоқ мактабларида ёшлар ўртасида «Ishonch» умидлари» деган танловлар уюштирилса, келгусида журналист бўлиш орзусида юрган ёшларга имкон берилган бўларди. Яна бир таклифим шуки, ҳозир ҳамманинг ҳам обуна бўлишга қурби етмайди. Одамлар гавжум жойларда «Ishonch» жавони» ташкил этилса, у ерда истаган газетхон «Ishonch»ни ўқий олса!

**Жамолиддин МУСЛИМ,**
*Ёзувчилар уюшмаси Наманган вилояти бўлими раиси:*



– Бугун газета оддий халқнинг эътиқодига айланиб улгургани фақат унинг номида эмас, балки таҳририят ходимларининг саъй-ҳаракатларида, деб ўйлайман. Бугун интернет замони! Ҳар ким, айниқса, айрим блогерлар ўзи нимани тўғри деб билса, шу ҳақда интернет тармоқларида турли-туман фикрлар билдиришмоқда. Уларнинг орасида қайси бири холис-ҳаққонийлигини ажратиб олиш анчайин мушкул. Таклифим: газетада «Блогерга жавоб» рукни очилса, бунда профессионал журналистлар айтилаётган янгиликка холис баҳо берса, нур устига нур бўлар эди.

**Лутфиддин ҒАНИЕВ,**
*Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Наманган вилояти бўйича масъул ташкилотчиси:*



– Газета саҳифаларида чоп этилаётган турфа мақолаларнинг ҳар бирида газетхонлар учун ўрганадиган ва ўқиб бошқаларга ўргатадиган бой илм бор. Айниқса, нашр ўқитувиларимиз учун кенг билим манбаи. «Сўранг, жавоб берамиз» рукни остида материаллар бериб борилса, янада мақсадга мувофиқ бўлар эди.

***Таҳририятдан: Учрашувлар бир йилда бир маротаба эмас, балки тез-тез ўтказилиши ҳар икки томон учун фойдали бўлиши ҳам алоҳида таъкидланди.***

**Нурилла НЎЪМОНОВ,**
**Жамшид ЭРГАШЕВ,**
**Орзигул РУСТАМОВА,**
«ISHONCH»






**Эълон**

*Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!*

**МЧЖ «Кўп тармоқли ихтисослаштирилган аукцион савдо» (КТИАС) аукцион савдоларини ташкил қилиш корхонаси баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ кимошди савдосига таклиф этади!**

Кимошди савдоларига Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 45-уй манзилида жойлашган «Тошкентвино комбинати» акциядорлик жамиятига қарашли бўлган қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

**1.** 1990 йилда и/ч, давлат белгиси 01 1469 АА бўлган «ГКБ9674» русумли яримтиркама.

**Бошланғич нархи – 11 463 000 сўм.**

**2.** 1993 йилда и/ч, «Балканкар» русумли автоюклагич.

**Бошланғич нархи – 12 344 000 сўм.**

**3.** 1991 йилда и/ч, «ПР-10/8м» русумли компрессор станцияси.

**Бошланғич нархи – 12 025 000 сўм.**

**4.** 1990 йилда и/ч, «Балканкар» русумли автоюклагич.

**Бошланғич нархи – 13 981 000 сўм.**

Аукцион савдолари 2019 йилнинг 12-, 17-, 24-, 30 декабрь кунлари соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада ўтказилади.

Мазкур мулклар 2019 йил 12 декабрь куни аукцион савдоларида сотилмай қолган тақдирда эълонда кўрсатилган кейинги белгиланган савдо кунларида ўтказилишини маълум қиламиз.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, КТИАСнинг ҳисобрақамига (ҳ/р: 20208000904929477001, АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиали, МФО: 00425, ИНН: 302074183, ОКОНХ: 83200)га тўлашлари шарт.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9:30 дан 16:00 гача қабул қилинади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил:** Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефонлар: (071) 249-54-59.

**Хизматлар лицензияланган.**

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси кенгашнинг ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича бош мутахассиси Озод Одиловга бобоси

**САЪДУЛЛА ота**нинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси кенгашнинг Наманган вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Аббосхон Мамадалиевга волидаи муҳтарамаси

**РОҲАТХОН она**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Самарқанд вилояти бўйича бирлашган касаба уюшма қўмитаси жамоаси Самарқанд вилоятидаги «Темир бетон конструкциялари комбинати» МЧЖ директори

**Абдували САЛИМОВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ҳамда яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ректорати ва касаба уюшма қўмитаси университетнинг «Ботаника» кафедраси мудири Ўктам Хўжаназаровга падари бузруквори

**ЭШТЕМИР ота**нинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

**МУАССИС:**
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

**Бош муҳаррир**
Ҳусан ЭРМАТОВ

**Бўлимлар:**
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

**www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.**

**Манзилимиз:**
100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. **Корхона манзили:** Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
**Баҳоси келишилган нархда.**

**Таҳририят ҳисобрақами:**
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

**Ҳудудлардаги мухбирлар:**
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон – (+998-99) 889-90-23
Бухоро – (+998-99) 889-90-31
Жиззах – (+998-99) 889-90-34
Наманган – (+998-99) 889-98-02
Навоий – (+998-99) 889-90-28
Тошкент – (+998-99) 889-90-25
Самарқанд – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё – (+998-99) 889-90-32
Фарғона – (+998-99) 889-90-24
Хоразм – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

**Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.**

**Навбатчи муҳаррир:**
Х. Норбоев
**Мусаҳҳиҳ:**
С. Шодиева
**Саҳифаловчи:**
Ҳ. Абдужалилов

ЎзА якуни – **22:10**
Топширилди – **23:40**

Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Буюртма **Г –1117.**
**27551** нусхада босилди.
Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5